

Мусиқа ва санъат йўналишидаги иқтидорли ёшларнинг

“EUROPIAN STARS”

номли I Халқаро онлайн танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

“New Talents” Халқаро ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ-406-сон қарори ҳамда 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 26 майдаги ПФ-79-сон Фармонларига асосан бир қатор янги лойиҳаларни ўтказади.

Мазкур Низом маданият ва санъат соҳасида олиб борилаётган кенг ислоҳотларнинг натижадорлиги ўлароқ, Европада иқтидорларни кашф этиш ва уларнинг ижодини бутун дунёга тарғиб этиш, хорижий мамлакатлар билан маданият ва санъат соҳасида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда “EUROPIAN STARS” номли I халқаро онлайн танловини (бундан буён матнда танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Танлов Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг мусиқа ва санъат йўналишидаги таълим муассасалари (*болалар мусиқа ва санъат мактаблари, баркамол авлод болалар мактаблари, мактабгача таълим тарбияланувчилари* ва бошқа муассасалар иштирокида), мактабдан ташқари таълим муассасаларининг иқтидорли ёшлари ҳамда эркин ижодкорлар иштирокида ўтказилади.

2. Танловда ҳар бир иқтидорлар эркин тарзда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

3. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар ва ташкилий ишлар Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (бундан буён матнда ташкилий қўмита деб юритилади) томонидан мувофиқлаштирилади.

2-боб. Танловнинг мақсадлари

4. Танловнинг асосий мақсадлари қўйидагилар ҳисобланади:

ўқувчи ёшлар ва иқтидорларнинг истеъоди ва ижодий қобилиятини намоён этиши учун шароит яратиш;

ҳар бир мамлакатнинг ўз мусиқа санъатини жаҳон саҳналарида кенг тарғиб этиш;

ёшларда ўzlари танлаган ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишни ошириш;

ёш ижро чиларнинг истеъдоди ва ижодий қобилияти бўйича ижро чилик кўнималарини янада ривожлантириш ҳамда уни **европа мамлакатларида тарғиб этиш**;

жаҳон мумтоз композиторларининг асарлари, ўзбек ва бошқа халқлар бастакорлари куйларидан баҳраманд бўлишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

3-боб. Танловда иштирок этиш

5. Танлов Ўзбекистон Республикаси **Маданият вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги**, Ўзбекистоннинг **Латвиядаги Элчихонаси** ҳамда “*Mening yurtim*” телеканали, “*Renessans*” телеканали ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан **2025 йилнинг 22-23 февраль кунлари** онлайн тарзда ўтказилади.

Аризалар **2025 йилнинг 21 январидан – 21 февралига** қадар онлайн тарзда Ташкилий қўмитанинг қўйидаги манзиллари орқали қабул қилинади:

Телеграм орқали 95-008-59-29 га;

Телеграм бот [@newtalents_24](https://t.me/newtalents_24) га;

Электрон почта манзили:newtalentsuzb@gmail.com

Иштирокчилар томонидан қўйидаги ҳужжатлар топширилади:

Иштирокчи анкетаси (тақдим этилган вариантда);

1 дона электрон вариантда рангли фотосурат;

Иштирокчининг туғилганлик түғрисидаги гувохномаси ёки паспорти;

номзоднинг ижро этган видеоёзуви (МР4, ХД ва бошқа форматда).

4-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш шартлари

6. Танлов қўйидаги йўналишлар бўйича **якка ва жамоавий** тарзда ўтказилади:

a)	Фортепиано	ижро вақти 10 минутга қадар
б)	Торли чолғулар	ижро вақти 10 минутга қадар
в)	Дамли ва зарбли чолғулар	ижро вақти 8 минутга қадар

г)	Эстрада чолғы ижрочилиги	ижро вақти 8 минутга қадар
д)	Эстрада хонандалиги	ижро вақти 10 минутга қадар
е)	Академик хонандалик	ижро вақти 10 минутга қадар
ё)	Анъянавий хонандалик	ижро вақти 10 минутга қадар
ж)	Халқ чолғулари	ижро вақти 10 минутга қадар
з)	Анъянавий чолғы ижрочилиги	ижро вақти 10 минутга қадар
и)	Бахшичилик	ижро вақти 10 минутга қадар
й)	Хореография	ижро вақти 10 минутга қадар
к)	Тасвирий санъат	—
л)	Театр санъати	ижро вақти 8 минутга қадар
м)	Амалий санъат	—
п)	Фольклор	ижро вақти 15 минутга қадар
р)	Хор	ижро вақти 10 минутга қадар

7. Иштирокчилар **ихтиёрий тарзда** белгиланган вақтдан чиқмаган ҳолда **битта** ёки уша вақтга мослаб **иккита** асар танлаб ижро этади.

Тасвирий санъат йўналиши иштирокчилари ўзларининг чизган расмларини фото кўринишида юборади.

Амалий санъат йўналиши иштирокчилари ўзларининг ясаган ижодларини видеоёзув ҳамда фото кўринишида юборади.

Хонандалар қўшиқни жонли овозда ижро этиши мақсадга мувофиқ (овозда фонограммадан фойдаланишга йўл қўйилмайди).

Жамоавий иштирокчилар сони **10** нафаргачани ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

8. Иштирокчилар ёшига кўра қўйидаги гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ - 3 ёшдан 6 ёшга қадар;

Иккинчи гуруҳ - 7 ёшдан 9 ёшга қадар;

Учинчи гуруҳ - 10 ёшдан 12 ёшга қадар;

Тўртинчи гуруҳ - 13 ёшдан 15 ёшга қадар;

Бешинчи гуруҳ - 16 ёшдан 19 ёшга қадар;

Олтинчи гуруҳ - 20 ёшдан 24 ёшга қадар;

Еттинчи гуруҳ - 25 ёшдан 30 ёшга қадар;

Саккизинчи гуруҳ - 31 ёшдан 70 ёшга қадар.

5-боб. Танлов иштирокчиларини баҳолаш

9. Иштирокчиларнинг ижролари Халқаро ҳакамлар ҳайъатининг ҳар бир аъзоси томонидан алоҳида тарзда **25 баллик** тизимда баҳоланади.

Иштирокчиларнинг умумий баллари қўйилган балларнинг йиғиндисига кўра аниқланади. Умумий балли энг кўп бўлган иштирокчилар орасидан ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан танловнинг **1,2,3-ўрин** ҳамда **Гран-при** совриндорлари белгиланади.

10. Танловнинг якуний натижалари ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан расмийлаштирилади.

11. Гран-прига номзодлар Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига асосан белгиланади. Бунда, ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг ижроси, ижоди Гран-прига муносиб бўлмаса номзод тақдим этмаслик хуқуқига эга хисобланади.

12. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори қатъий ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

6-боб. Иштирокчиларнинг танловда иштирок этиш учун тўлов миқдори, танловни молиялаштириш ва иштирокчиларни рафбатлантириш

13. Иштирокчиларнинг танловда иштирок этиши учун тўлов миқдори:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун битта йўналишда якка тарзда иштирок этиш **400 минг сўмни**, (дуэт ва жамоа учун **800 минг** сўмни ташкил этади (*ҳар бир иштирокчига алоҳида медал, диплом, сертификат берилади*));

Хорижий иштирокчилар учун **35 АҚШ долларини** ташкил этади.

14. Тўловлар: **5614 6814 2238 8508** – Uzcard - Маликбек Эшқувватов –га юборилади. Тўлов ўтганлиги бўйича маҳсус чек нусхаси **@newtalents_24** ботга ёки телеграмга юборилади.

Хорижлик иштирокчиларга ташкилий қўмита томонидан маҳсус хисоб рақам юборилади.

15. Танлов иштирокчилари ҳар бир ёш гуруҳи бўйича:

1, 2, 3-даражали диплом, медал, халқаро сертификат ҳамда **Гран-при** (кубок билан бирга) билан тақдирланади. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига асосан Гран-при соҳиблари белгиланади. Бунда, 8 та ёш тоифаси бўйича 8 та Гран-при совриндорлари аниқланади.

Ташкилий қўмитанинг қарорига асосан ғолиб Гран-при совриндорларига (жамоа учун ҳам бир хил миқдор иштирокчи сонидан қатъий назар) Европада бўлиб ўтадиган Халқаро танловда иштирок этиши учун йўлланма берилади ҳамда иштирок этиш бадал (взнос) тўлови тўлаб берилади.

Бунда, европага бориш ва келиш, меҳмонхона ва овқатланиш харажати (ва бошқалар) иштирокчи томонидан (юборувчи ташкилот томонидан) қопланади.

Танлов ғолиблари орасидан энг яхшилари “**Mening yurtim**” ҳамда “**Renessans**” телеканалларининг турли шоу дастурларида уз чиқишилари билан иштирок этади. Бунда, Ташкилий қўмитага номзодлар ҳакамлар ҳайъати томонидан тақдим этилади.

Иштирокчиларнинг ўқитувчи ва концертмейстерлари, муассаса раҳбарлари Ташкилий қўмитанинг маҳсус ташаккурномаси билан тақдирланади.

16. Танловни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни молиялаштириш ташкилотчилар томонидан амалга оширилади.

17. Танловни молиялаштириш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳам жалб этилиши мумкин.

7-боб. Якуний қоидалар

18. Танловни ўтказиш жараёнлари бўйича келиб чиқадиган низолар Ташкилий қўмита томонидан тартибга солинади.

Ташкилий қўмита билан боғланиш учун телефонлар:

95-008-59-29;

95-008-69-29 Маликбек Эшқувватов.

Танловни ташкил этиши ва ўткахиш бўйича ҳамкорлар:



Кўзда тутилган мамлакатлар...

